



Хамма нарсани эътикодсизлик тарозисида тортишга ўрганиб қолган якин ўтмишимизда бошқа фан ва маданият арбоблари катори улуг ўзбек олими ва давлат арбоби Мирзо Улугбек теварагида ҳам бир-бирига хилоф, ноҳақ гап-сўзлар, ёрлик ёпиштиришлар кўп бўлган эди. Бугун юрт мустақил бўлди, миллий ва диний қадриятларимиз ўзимизга қайтди. Энди худосизликда ноҳақ айбланган улугларимиз ҳақидаги асл ҳақиқатни айтиш, замонасозлик қилиб уларга ёпиштирилган айбномаларни олиб ташлаш пайти келди.

Истиклолгача Мирзо Улугбек номи диндан юз ўгириб, илм-фан билан шугуллангани учун реакцион уламолар томонидан тазйик ва таъқибга учраган, охири ҳажга юбориш баҳонасида машхур тасаввуф шайхи Хожа Аҳрор Валий томонидан ўлдиртириб юборилган ҳукмдор сифатида талқин қилиб келинди. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун биргина мисол келтирамиз: “Улугбек шахсий ҳаётида ҳам, сиёсий фаолиятида ҳам ислом дини ақидаларига ёпишиб олган ўз отаси Шохруҳдан тамомила бошқача йўл тутди. Шохруҳ Хиротда дин пешволари билан ўралашиб қолган, ҳар ҳафтанинг жума куни мунтазам равишда масжидга бориб номоз ўқиган, ман этилган базмларни каттиқ таъқиб қилган бир шароитда Улугбек Самарқандда олимлар ва шоирлар доирасида бўлиб, кўпинча дин ақидаларига зид иш қилар эди” (“Самарқанд тарихи”, Тошкент, “Фан”, 1971 йил, 1-жилд, 219-бет).

Бу каби тумтарок сўзларни ёзган мухтарам олимларимиз яхши билишар эдики, совет босқинидан олдин бу юртнинг оддий фуқаросидан тортиб энг улуг ҳукмдоригача Ислом динида бўлган, унинг ақидаларига бўйсуниб яшаган, ҳаётини Қуръон ва Суннат асосига қурган. Масалан, соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ёшлиқ чоғида уч йилдаёқ Қуръони қаримни тўлиқ ёд олган, ёд олганда ҳам ундан фикхий ҳукм чиқара олиш даражасида уни яхши билган. Соҳибқирон намозини қанда қилмай ўқиган, рўзасини тутган, ёлгон сўзламаган, ваъдасига вафо қилган, ҳаром нарсалардан буткул юз ўгирган эди. Буни ҳатто дин душманлари ҳам тан олиб ёзишади. Темурийлардан бўлган Мирзо Улугбек ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Буни юқоридаги китобдан келтирган иқтибосимиз ҳам тасдиқлаб турибди: ҳудожўй ва такволи ҳукмдор Шохруҳнинг фарзанди аржуманди эътикодсиз ёки дахрий бўлиши мумкин эмас!

Устозимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг бундан йигирма йилча олдин нашр этилган китобларидаги “Аввал ўйла, кейин сўйла” сарлаҳали мақолада шундай жумлалар бор: “Баъзи шахслар эса, аввал динсиз қилиб олиниб, сўнгра маълум чегарада ижобий сифатлар билан баҳоланар эдилар. Бундай шахслар каторига Алишер Навоий, Ибн Сино, Фаробий, Улугбеклар киритилган эди... Кечагина “Улугбек Исломга бутун вужуди билан қарши бўлган, у “дин тумандек тарқалиб кетади”, деб айтгани учун золим Хожа Аҳрор бошлиқ жохил рухонийлар унинг ўлимига сабаб бўлганлар” деб, “илмий ҳақиқат”ни турли восита, ҳатто бадий асарларда тарғиб қилаётганлар бугун “Улугбек чин мусулмон бўлган, Қуръонни яхши ёд билган, фикхни (Ислом қонунчилигини) аъло даражада ўзлаштирган, шунинг учун ҳам Ислом шариати ила бошқарилган мусулмон давлатга қирк йил бошлиқ бўлган”, дейишмоқда” (“Жамият кўксига урилган захарли ханжар”, 51-52-бетлар).

Мовароуннахрнинг атоқли тарихчиларидан Мирхонднинг “Равзатус-сафо” (Покиза бог)

кўп жилдли асарининг еттинчи жилди Мирзо Улугбек хукмронлигининг сўнгги даврларидан 1493 йилгача (Хусайн Бойкаро тарихи) бўлган воқеаларни ёритади. Ушбу китобда ҳам Мирзо Улугбекнинг комил мусулмон бўлгани, шаръий ахкомларни огишмай бажаргани, диний уламоларга хар жихатдан ёрдам кўрсатгани батафсил очиб берилади.

Олимнинг болалик йиллари хакида гапирганда тарихчилар ёш Улугбек хамиша бобоси Амир Темурнинг диққат-эътиборида бўлганини ёзишади. Темур бутун мухаббатини ва эътиборини ана шу зийрак, илмга ташна набирасига қаратди, унибилимдон ва тажрибали мураббийлар тарбиясига топширди. Эрта хат-саводини чиқарган, Аллохнинг Каломини тўлик ёд олган болакай машхур олим ва шоир шайх Ориф Озарийнинг тарбиясига топширилди. Улугбек ёш бўлишига карамай, давлат ишларига ҳам жалб қилинди, давлат кенгашлари ва қабул маросимларида хамиша бобоси Темурнинг чап томонида ўтирар эди. Буни Кастилия (Испания) киролининг Самарқандга келган элчиси Рули Гонсалес де Клавихо ҳам таъкидлаб ўтган.

Абу Тохирхожа Самарқандийнинг “Самария” асарида Мирзо Улугбекнинг хаёти ва унинг Самарқандда мухташам мадраса ва жомеъ масжиди курдиргани хакида батафсил сўз юритилади: “Улугбек Амир Темурнинг набираси, Шохрух мирзонинг тўнгич ўғлидир. 796 хижрий, яқшанба куни жумодил-аввал ойининг ўн тўққизинчисида тугилгандир. Шохрух мирзо отаси Амир Темур Кўрагоннинг ўлимидан беш йил кейин Хиротдан Самарқандга келиб, Мироншохнинг ўғли, ўз биродарзодаси Султон Халилни Самарқанд тахтидан тушириб, ўз ўғли Улугбекни ўтказди (аслида у ишқий можароларга ўралашиб қолган шоир Султон Халилга тахтни муносиб кўрмай, ўғлига топширган). Улугбек хонлигидан ўн олти йил кейин хижрий 823 да мадраса солдирди (Саййид Роқим ўз китобида ушбу мадрасанинг 828 йили қурилганини ёзади). Бобур мирзонинг ривоятига кўра, Улугбек ўз мадрасасининг жанубида “Мукаттаъ” номли бир масжид ҳам солган. Мадраса битгач, Улугбек унга ўз даврининг улуг олими Козизода Румийни бош мударрисликка тайинлади, ушбу мадрасада дарс беришга мавлоно Муъиниддин Кошоний, мавлоно Али Қушчи, Саид Имомуддин, Хожа Фазлуллох Абу Лайсий каби забардаст олимлар таклиф этилди.

“Бобурнома”да шундай келтирилади: “Улугбек Мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гумбази бисёр улқандир, оламда онча гумбаз йўқ деб нишон берулар... Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, “Масжиди Мукаттаъ” дерларким, китъа-китъа йигочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойий нақшла солибтурлар...” Хўш, Самарқанддай улқан салтанат пойтахтида мадраса ва масжид курдиган, ўзи ҳам унда талабаларга сабоқ берган олим қандай қилиб дахрий (худосиз) бўлиши мумкин?

Мирзо Улугбек милодий 1448 йили Машхадда уюштирилган бир илмий мажлисда ўша даврнинг машхур тилшунослари Садриддин Раддос ва шайх Ориф Озарийлар билан араб тилининг фасохати ва балогати борасида мунозара олиб борганининг ўзиёқ Улугбекнинг жуда кўп исломий билимлардан яхши хабардор бўлганини кўрсатади.

Атоқли муаррих Муҳаммад Хайдар ўзининг машхур “Тарихи Рашидий” асарида Мирзо Улугбекнинг даврининг етук риёзиёт ва фалақиёт олими бўлиш билан бирга йирик тарихчи бўлганини ҳам айтган. У, жумладан, шундай деб ёзади: “Мирзо Улугбек тарихнавис донишманд эди. “Тўрт улус (тарихи)”ни ёзиб қолдирган эди”.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, “Тарихи арбаъ улус” китоби туркларнинг афсонавий ота-боболари хисобланган Туркхон ибн Ёфасдан то Амир Темур вафотигача тўрт улусга (Жўжи, Чигатой, Халокун ва Улуг улуслари) қарам бўлган мамлакатларда содир бўлган

вокеалар хакида сўз юритади.

Аслида ўша пайтда Улугбекнинг фожиали ўлимига сабаб бўлган бир неча вазиятлар юзага келган эди. Булардан бири ва энг асосийси, Улугбек давлат арбоби ва саркардалиқдан кўра илми афзал кўрган кўнгилчан бир хукмдор эди. Ўз-ўзидан равшанки, бу нарса Темур авлодлари бўлмиш жангари шахзодаларга ва урушсиз туролмайдиган саркардаларга ёкмас, улар хассос ва шоиртабиат Улугбекни унча хушламас эдилар.

Темурий салтанатнинг охирги йирик вакили Шохрух мирзо вафотидан кейин эса ўзаро уруш ва можаролар кучайиб кетди. Шохрух ўзидан кейин набираси Абдуллатифни тахтга ўтказишни истарди. Аммо подшоҳнинг хотини Гавхаршодбегим давлат ишларига аралшиб, бошка бир неvara Алоуддаврани хукмдор килмокчи бўлди. Окибатда салтанат тахтини эгаллаш даъвосида юрган Мухаммад Султон, Абулкосим Бобур, Алоуддава ва Улугбекнинг ўгли Абдуллатиф хукмдорга карши тиш кайрай бошлашди. Салтанат тахтига Шохрухнинг набираларидан кўра хаклирок бўлган Улугбек ўгли Абдуллатиф билан бирлашиб, Алоуддаврани Хиротдан кочишга мажбур этади ва Шохрухнинг пойтахтини эгаллайди.

Бирок тахт илинжида ёнган Абдуллатиф Улугбек душманларининг игвоси билан отасига карши исён кўтарди ва Абулкосим Бобур билан тил бириктириб отасига карши иттифок тузди. Хоин Абдуллатиф азиз отасининг хаётига чанг солди ва унинг табиий илмларга рағбати устунлигидан норози бўлиб юрган мутаассиб рухонийлардан “диндан чиккан” Улугбекни ўлдириш хакида фатво ёздириб олди. Вахоланки, Улугбек хокимиятни Абдуллатифга топшириб, умрининг колган кисмини илмга багишлаш ниятида Самаркандга бориб, ўзини ўглига топширганини Давлатшоҳ Самаркандий ва “Тарихи Абулхайрхоний” муаллифи Масъуд ибн Усмон Кўхистонийлар ёзиб колдиришган. Улугбекнинг ўлими тафсилотлари хакида улуг муаррихлардан Абдурраззок Самаркандий шундай ёзади: “Мирзо Абдуллатиф сохибкирон хон (Чингизхон) юсунини кўрсатиб хаммага амр килдики, хон (Абдуллатиф Чигатой наслдан бўлган Муглук исмли бир кимсани номига хон килиб кўйган эди) олдида тиз чўкиб, “Мирзо Улугбек менинг фалон кишимни гайриконуний равишда ўлдирган, унинг хунини талаб киламан”, деб арз килинглар”. Ана шундайлардан бири Сундус кабиласидан бўлган Аббос исмли шахс хон олдида тиз чзкиб, Улугбекдан қачонлардир катта жиноят килгани учун катл килинган отасининг хунини талаб килди. Абдуллатифнинг кўрсатмаси билан хон Аббоснинг илтимосини кондирди ва у тунда хаж килиш учун Маккага жўнаб кетган Улугбекнинг кетидан кувиб етиб, уни Самарканд яқинида хоинона ўлдирди. Бу фожиали воқеа, Мирхонднинг айтишига караганда, хижрий 853 сана саккизинчи рамазонда содир бўлди. Колаверса, диний уламоларнинг жохил, янгиликка карши, мутаассиб катлами хам фалакшунослик ва риёзиёт каби илмларга “муккасидан кетган” Улугбекни ёктирмаслиги хам хакикат эди. Вахоланки, диний ва дунёвий илмлар ўртасига хитой девори куриб оладиган, суриштириб ўтирмай хар кандай тараккиёт янгилигини харомга чикарадиган бундай жохиллар Улугбек замонидан олдин хам, кейин хам етарлича топилган. Аммо Хожа Ахрор Валийдаи улуг мутасаввифнинг, Аллохнинг дўстларидан деб тан олинган кароматли шайхнинг Улугбекнинг ўлимига ҳеч кандай алоқалари бўлмаган. Бу тарихий мудхиш хатони тузатиш йўлида катта изланишлар олиб борган самаркандлик тадқиқотчи, Хожа Ахрор Валиининг авлодларидан Комилхон Каттаев “Хожа Ахрор Валий ва Мирзо Улугбек муаммолари” деган махсус рисола ёзиб, 2004 йили Самаркандда чоп эттирди. Келинг, ана шу илмий асарнинг мавзуимизга оид айрим ўринлари билан танишиб

чикайлик.

Комилхон Каттаевнинг ёзишича, “Хожа Ахрор Валий билан Мирзо Улугбек ораларини дастлаб академик Бартолд бошлик шаркшунослар бузган бўлса, кейинчалик ўзимиздан чиккан олимлар давом эттиришди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Тошмухаммад Кори-Ниёзий 1951 “Астрономическая школа Улугбека” номли монографиясида хазрати Хожа Ахрорни Мирзо Улугбекнинг ўлдирилишда айблади. Академикнинг бу фикрига ушбу сатрлар муаллифининг бобоси Каттахонхожа Дахбедий (1868 – 1969) карши чиккан эдилар... (Хожа Ахрор Валий у кишига она томондан катта бобо эдилар). Каттахонхожа Эшон бу асарни Ислом динига ва маърифатга карши янги фитна деб тушуниб, ўша захоти Ўзбекистон Фанлар академиясига ва унинг рахбарига хат жўнатадилар ҳамда академик жуда катта тарихий хатога йўл кўяётганини изхор этадилар. Буни далиллаш учун тошкентлик катта олимларни Дахбедга таклиф этадилар”.

Рисолада ёзилишича, “Собик Иттифок тарихчилигида бу муаммони ўрганишда жуда кўп чалкашликларга йўл кўйилган. Аввало, Хожа Ахрор ва Мирзо Улугбек бир-бирлари билан учрашишмаган. Хожа Ахрор халкка танилганидан кейин Самаркандга биринчи марта милодий 1450 йили келган (1427 йили оз муддатга ўқишга келган, аммо шахардаги мадрасаларнинг минглаб талабалари ичида ёш Убайдуллохнинг хукмдор Улугбек билан шахсан таниш бўлиши эхтимолдан йироқдир). Бу пайтда Мирзо Улугбек ҳам, унинг падаркуш ўгли Абдуллатиф ҳам хаётда йўқ, хокимият Улугбекнинг куёви ва жияни Абдуллох мирзо кўлида эди. Шу далилнинг ўзи хазрати Хожа Ахрорнинг Улугбек фожиасига умуман алокалари бўлмаганини исботлаб турибди”.

Комилхон Каттаевнинг фикрича, совет шаркшунослари ўйлаб топиб, кейин зўр бериб алангалатган бу уйдирмани ўзбек олимлари ҳам кўллаб, Хожа Ахрорга тухмат килиш бобида мустамлакачиларни ҳам ортда колдириб кетишади. Муаллиф ўз рисоласида шундай ёзади: “Русиялик А. Болдирёв, тожикистонлик Аълохон Афсадзод каби олимлар мустабид тузум даврида ҳам Хожа Ахрор хакларида хакикатни ёзишга харакат килишгани холда баъзи юртдошларимиз бу валий зотни “тараккиёт душмани”, “Улугбекка карши чиккан шахс”, “реаксион дин арбоби” сифатлари билан китоблар ёзишган эди. Яна бир катта инсофсизлик шуки, айримлар Улугбекнинг катлини унинг расадхона курдирганию фалакшунослик илми билан шугулланганига боғлашади. Бу даъвода ҳам хеч бир асос йўқ! Динимиз, айримлар зўр бериб истаганидай, илм-фанга, тараккиётга зид эмас. Мирзо Улугбек ҳам хеч қачон гайридин бўлмаган, беш вақт намозини канда килмаган, асарларида Ислом дини ва акидасини ҳамоя этган зотдир. Бунинг устига мусулмон оламида Улугбекдан олдин ҳам, кейин ҳам фалакиёт билан шугулланилган, расадхоналар курилган. Энг кизиги, Хожа Ахрор курдирган ва Сўзангарон кўчасида жойлашган мадрасанинг деворига туташ ховли Улугбекнинг энг якин шогирди мавлоно Али Кушчига тегишли бўлган. Бу аллома устози Улугбек вафотидан кейин яна йигирма икки йил мобайнида шу ховлисида тинчгина яшаб ижод килган”.

Ўзимиздан яна шуни кўшимча киламиз: Али Кушчининг Ислом оламида мартабаси шунчалик баланд эдики, тахт учун уруш-можароларидан тўйиб, ватанини тарк этган олим умрининг охиригача Туркиядаги Аё-София жомеъ масжиди қошидаги мадрасада бош мударрис бўлди ва Истанбулда вафот этганидан сўнг мусулмонларнинг табаррук зиёратгохи – Абу Айюб Ансорий кабрисонида дафн этилди.

Хулласи, узок йиллар мобайнида Мирзо Улугбекка нохак такилган дахрийлик тамгасини олиб ташлаш, унинг ўлимида Хожа Ахрор Валийдай табаррук зотни айблаш каби

тухматларга чек қўйиш пайти келди. Айрим замонасоз олимлар ёзиб келганидай Мирзо Улугбекнинг ўлимига Ислон дини ҳам, Хожа Ахрор Валий ҳам сабабчи эмас, балки бу фожиа хукмдорнинг айрим кишилар билан шахсий адовати ва тахт учун курашлар натижасидир. Бунга исбот-дадил ахтариб юришнинг хожати ҳам йўқ. Мирхонд, Давлатшоҳ Самаркандий, Абдурраззок Самаркандий, Абу Тохирхожа, Муҳаммад Хайдар, Хондамир каби инсофли тарихчиларимизнинг асарларига холис мурожаат қилинса, кифоя!

Ахмад МУХАММАД

"Хилол" электрон журналидан